БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 89 (3571).

5 МАЙ ЖУМА 1967 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Газета коллектив агитатор, коллектив пропагандистгина бўлиб қолмай, айни вақтда коллектив ташкилотчи ҳамдир.

В. И. ЛЕНИН.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Владимир Ильич Ленининг ташаббуси ва бевосита иштироки билан ташкил этилган биринчи большевистик легаль матбуот — «Правда» газетасининг чиқа бошлаганига бугун эллик беш йил тўлди. Ҳар йили 5 майни журналистлар, матбаачилар, ноширлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, матбуот тарқатувчилар, бутун совет халқи кенг нишонлайди.

Большевистик матбуот илк бор қадам ташлаган чоғлариданоқ агитатор, пропагандист ва ташкилотчи, ҳақиқат жарчиси ва юксак идеаллар учун толмас курашчи бўлиб майдонга чиқди. Совет матбуоти босиб ўтган оламшумул-тарихий йўлининг, тинимсиз кураш зафарли, шижоаткорона меҳнат ва яратувчилик саҳифаларини очган катта йўлининг ҳамма босқичларида В. И. Ленин таълимотига, традицияларига содиқ турди. Коммунистик партиянинг мустаҳкам ва ишончли таянчи, кучли ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилиб келди. Коммунизмнинг муҳташам биносига пойдевор қўйилаётган бизнинг замонамизда ҳам партия ва совет матбуотининг сафарбарлик кучи ўсиб, сермазмун ҳаётимиздаги роли кучайиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам партия ва ҳукумат совет матбуотини ҳар томонлама ривожлантиришга, малакали журналист кадрлар тайёрлашга, полиграфия саноатини мустаҳкамлашга, матбуотнинг ҳамма турлари таъсир кучини ва обрўсини кўтаришга алоҳида аҳамият бермоқдалар, бу ҳақда тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўтган бир йиллик мудатга назар ташлайлик. Шу вақт ичида областимизда бир неча шаҳар газеталари қайта тикланди. Пойтахтимизда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «Тошкент бинокори», «Строитель Ташкента» сингари газеталар, республика «Гулистон» журнали ва бир неча кўп нусхали газеталар чиқа бошлади. Босма матбуот органлари — газеталар, журналлар, китоблар тиражи тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Областимизнинг матбуот ходимларидан бир группаси ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланди.

Бугунги ёпасига саводхон ўлкамизда ҳаёт кўзгуси деб ҳақли равишда ном олган матбуот билан ошно бўлмаган бирор онлани топиш амри-маҳол. Ҳа, «китоб — офтоб» деганларидек, матбуот қуёш нури каби халқ турмушига, ҳар бир хонадонга чуқур сингиб кетган. Кишиларимизнинг иш куни газета ва журналларнинг янги сонларини ўқиш, радио тинглаш билан бошланадиган бўлиб қолди.


Совет матбуотининг обрў ва эътибори, унга ишонч тобора ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Юксак ғоявийлик, ростгўйлик, халқчиллик, принципиаллик ва партиявийлик — матбуотимиз хусусиятлари ана шулардан иборат. Унинг сафарбарлик кучи ва қудрати кенг омма билан алоқасининг мустаҳкамлигида, матбуотининг ўзи халқ минбари бўлиб қолганлигидадир. Шу боисдан ҳам халқ оммаси ўз газетасини севиб ўқимоқда, ардоқламоқда. Газеталар саҳифаларида коммунистик қурилишнинг муҳим проблемаларини ҳал этишга бағишланган мақолалар тобора кенг ўрин олмоқда.

Бу йил матбуот куни алоҳида бир вазиятда ўтмоқда. Бу йил жаҳонда биринчи социалистик мамлакат бўлган Совет давлатининг ташкил топганига ярим аср тўлаётган куни кенг нишонлашга зўр тараддуд кўрмоқдамиз. Байрамларимиз шодиёналари бир-бирига уланиб кетмоқда. Юбилей йилида матбуотимиз ҳаётида ҳам қатор қувончли воқеалар содир бўлди. Бутун совет халқи яқинда отахон газеталардан бири — «Известия»нинг 50 йиллик юбилейини кенг нишонлади. Шарқда ҳақиқат жарчиси бўлган «Правда Востока» биринчи сони чиққанига 50 йил тўлиши муносабати билан бутун республика меҳнат аҳли ўз севимли газетасини самимий муборакбод қилди. Яқинда бўлиб ўтган ўзбекистон ишчи ва қишлоқ мухбирларининг III съезди матбуотимизнинг суянган тоғлари, жонкуяр кўмакдошлари олдида турган навбатдаги вазифаларни белгилаб берди.

Бу йил — юбилей йилида совет матбуоти олдида турган вазифаларнинг кўлами бениҳоя кенгайиб кетди. Катта тўй арафасида ярим асрлик жаҳоншумул-тарихий ғалабаларимиз аҳамиятини, Октябрь туфайли эришган ютуқларимизни, умумий юксалишимизни ёркин лавҳаларда катта журналистик маҳорат билан ҳар томонлама мукаммал ёритиб бериш — партия матбуотининг шу кунлардаги энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Областимизда чиқаётган «Суръат» (Юқори Чирчиқ), «Коммунизм тонги» (Оржоникидзе), «Ленинчи» (Калинин) район газеталари кейинги ойларда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг кўмагига таяниб, юбилейга тайёргарлик темасида қатор сермазмун материаллар эълон қилдилар.

Газеталар бундан буён ҳам оммага марксизм-ленинизм ғояларини сингдириб бориши, революцион ва меҳнат традицияларини янада ривожлантиришда халққа кўмаклашмоғи, меҳнаткашларни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаши, ленинча миллий сиёсатимиз туфайли вояга етган халқлар дўстлигини мадҳ этиши, бу дўстликнинг ҳаётбахш кучини намойиш қилиши зарур. Матбуот Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасининг боришини, партия XXIII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш ва беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришни, меҳнаткашларнинг Октябрь юбилейини шахсий ва коллектив меҳнат туҳфалари билан нишонлаш учун олиб бораётган кураши темаларини ўз саҳифаларида кенг ёритиб берсагина, у давр нафаси билан ҳамнафас борган, ўз олдида турган катта вазифаларни муваффақиятли бажарган бўлади.

Матбуот органларидан партия қўяётган юксак талабларга лойиқ бўлиш учун бундан кейин ҳам кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқани янада мустаҳкамлаш, ишчи ва қишлоқ мухбирлари мададига таяниб иш кўриш, журналистларнинг профессионал маҳоратларини тўхтовсиз ўстириб бориб талаб этилади. Партия журналистикасининг бой традициялари, унинг ранг-баранг жанрларини ижодий тарзда ривожлантирган ҳолда, коммунистик мўл-кўлчиликни бунёдга келтираётган меҳнат кишилари ҳақида, уларнинг ҳаёти, жамиятда тутган ўрни тўғрисида кўпроқ ёзишимиз, халқ бахт-саодати йўлида тинмай ижодий изланишимиз лозим. Шундагина биз — совет матбуоти ходимлари партиянинг энг яқин ёрдамчилари деган катта ишончни шараф билан оқлаган бўламиз.



Бугун Туркманистонда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси очилади.

Қардош халқлар маданияти гуллаб-яшнайверсин!

ХАЛҚ БИРЛИГИ— ҚУДРАТЛИ КУЧ

Сув тошқини жароҳатлари даволанмоқда. Ўрта Чирчиқ районининг Тўйтепа посёлкаси тошқиндан айниқса кўп зарар кўрган. Бузилган уйларни, сув ювиб кетган кўчаларни, кўприкларни ҳамма биргаликда янгидан бўлиб тузатмоқда. Кўчаларда самосвал ва юк машиналарини кўп кўрасиз. Уларнинг бири қурилиш материаллари олиб келаётган бўлса, бошқаларида бузилган уйларнинг чиқиндиси ташилмоқда. Одамлар бир-бирларига қариндош-уруғдек, ёр-биродардек кўмаклашмоқда. Кексаларни, гўдакларни сув тошқини вақтида уйлардан қутқариб олиб чиққан жасур кишиларнинг номини бу ерда ҳамма ҳурмат билан тилга олади.

Аҳолига кўмаклашишга ёрдамга келган солдатлар айниқса жасурлик кўрсатмоқдалар. Улар уй-рўзғор асбобларини бехавотир жойларга кўчиришда хонадонларга жуда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Тошқин оқибатларини тугатиш, эҳтиёт чораларни кўриш ишлари жадал бормоқда. «Коммунизм» колхози аъзолари тошқин сувлари келадиган йўлларни сойларга буриб юбормоқдалар. Катта йўл ёқасида бульдозер ишламоқда. Ўкичик тепаликни пастга суриб тўпланиб қолган ёмғир сувларини катта ариққа оқизиб юбормоқда. «Ғаллақудуқ» совхозининг 1-бўлимида сел суви жуда кўп тўпланиб қолган сойлик бор эди. Бу сойлик Тошкент каналига сув ўтказиб турар эди. Ана шу жойлардаги ювилиб кетган қиргокни мустаҳкамлаш ишларида совхоз ишчилари, механизаторлар, қўшни хўжаликлардан келган ёрдамчилар тиним билмайдилар.

Моргуненко номли канал Киров номли совхозининг пахтазорлари ўртасидан ўтади. Тошқин натижасида ана шу канал суви кўтарилиб совхознинг пахтазорларига оқа бошлади. Совхоз маъмурияти тошқин бўлган пахта далаларини тезроқ қуритиш чораларини кўриб, вақтинча зовурлар қаздирмоқда, катта ариқларнинг бузилган новлари қайтадан қурилаяпти. Бу ишларда ўнта бульдозер, 40 та машина банд. Ҳар бир киши табиий офатнинг ёмон иллатларини тезроқ йўқотишда кечани кеча, кундузни кундуз демай ишламоқда. Терешкова номли колхознинг экинлари сув ичадиган катта ариқ Қорасувга кўп жойдан ювилиб кетган эди. Колхоз правленнеси шошилинч чоралар кўриб бу ариқнинг қирғоқларини мустаҳкамламоқда.

Юқори Чирчиқ районининг ҳамма кўжаликлари тошқиндан зарар кўрган жойларни тузатиш, қадимги ҳолига келтириш учун яқдиллик билан бир-бирларига кўмаклашаётирлар. Районга яна қўшимча чодирлар юборилди. Свердлов номли, «Правда» колхозларининг аъзолари, механизаторлари экин ерларини тозалаб етилган пайкалларга қисқа фурсатда чигит экиб олиш тадбирларини кўрмоқдалар. Колхоз правлениелари ва партия ташкилотлари ҳамма кучни табиий офат келтирган зарарларни тугатишга сафарбар этганлар.

Ёрдамга келган экскаваторлар, бульдозерларнинг ҳайдовчилари зиммаларига юклатилган вазифа ниҳоятда масъулиятли эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам халқ бирлиги, кишиларнинг бир-бирига бўлган дўстлик ва меҳрибонлиги, ғамхўрлиги қудратли куч эканлиги кишилар бошига тушган мана шу ташвишли кунларда айниқса яққол кўринмоқда. Медицина ходимлари, ўқитувчилар ва бошқа қишлоқ зиёлилари сафарбар этилиб одамларга ёрдам қуи сайин кучайтирилмоқда. Область ва қўшни районлардан қурилиш материаллари келтирилмоқда. Ҳар бир районда совхоз ишчилари, колхозчилар зарар кўрганларга ёрдам бўлсин деб бир кун, икки кунги, уч кунги иш ҳақларини юбормоқдалар. Уларнинг оналарини ўз уйларига кўчириб олиб бормоқдалар.

Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Оққўрғон деҳқонлари, барча меҳнаткашлари юбилей йилига олган мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз деган, ниятда сув ювиб кетган ерларга етилиши билан пешма-пеш чигит экмоқдалар ва бошқа деҳқончилик ишларини вақтида ўтказиш учун курашмоқдалар.

Бу районларнинг меҳнаткашлари ана шу табиий офат бўлган кунларда партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигини кўриб, сезиб турибдилар.

С. МАҲКАМОВ,
М. МИРХАМИДОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ЁШ ҒЎЗАНИ ҚАНДАЙ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ КЕРАК

Пахтакорларнинг долзарб кунлари бошланиб кетди. Ерга об-тобида қадалган чигит бир текис униб чиқяпти. Мурғак ғўза ниҳоллари ерден униб чиқиши биланоқ меҳр билан парвариш қилабошланса, қатор ораларига ишлов бериш то пахта терими бошлангунига қадар намунали давом эттирилса, ҳосил албатта баракали бўлади. Буни илгор деҳқонларнинг кўп йиллик тажрибаси тўла исбот этган.

Апрель ойида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ва ҳавонинг паст келиши тупроқнинг бирмунча зичлашиб кетишига ва бегона ўтларнинг бемалол ўсиб чиқишига сабабчи бўлди.

Бунинг устига қатқалоқ ҳосил бўлди. Агар у ўз вақтида юмшатилмаса чигитнинг унишини тўхтатиб қўяди, ёш ғўзани қисиб уни нормал ўстирмайди. Дастлабки парваришни кучайтириш билан бирга қатқалоқни йўқотиш учун барча техникадан фойдаланайлик, имкониятларни ишга сонайлик.

Ғўза парваришининг биринчи циклида яганалашни тугаллаш, қатор ораларига биринчи бор ишлов бериш, пайдо бўлган бегона ўтларни батамом йўқотиш, ўсимликни биринчи озуқа ва сув билан таъминлаш керак. Бу даврда барча дала ишларини қисқа фурсатда ниҳоятда сифатли қилиб бажариш катта аҳамиятга эга. Ғўза парваришининг биринчи цикли иккиуч чинбарг пайдо бўлгунига қадар тугалланса яхши бўлади. Агар бундан кечиктириб юборилса, назбатдаги тадбирлар кутилган самарани бермаслиги, ғўза нормал ривожланмай, оқибат натижада ҳосилдорлик гектар бошига 5—7 центнерга камайиб кетиши мумкин. Бу тажрибада синалган.

Гектарларнинг тўла, кўчатларнинг бут бўлишига эришмоқ учун қатқалоққа қарши ўз вақтида курашишга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Агар бу иш кечиктириб юборилса, кўпгина ниҳоллар нобуд бўлиб, пайкалда кўчат сийраклашиб қолиши мумкин. Чигит ҳали униб чиқмаган майдонлардаги қатқалоқни йўқотиш учун картани кўндалангига тишли бороналар билан бир марта юмшатиб чиқиш керак. Чигит униб чиққан пайкаллларда эса ротацион юмшатгичлар, ротацион юлдузчалари ва бошқа мосламалари бўлган культиваторлардан унумли фойдаланиш лозим.

Ғўзанинг нормал ривожланишида пайкалларни бегона ўтдан тоза тутиш муҳим аҳамиятга эга. Агар ўтлар ўз вақтида йўқотилмаса, тупроқнинг юза қатлами тез қуриб қоладиган бўлади, озуқа моддаларидан ёш ғўза яхши фойдалана олмайди. Бунинг натижасида ўсимлик ривожланишдан орқада қолади.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Ғўзани ёшлигида минерал ўғитлар билан озиқлантиришда ҳам кўп. Ёш ниҳоллар солинган ўғитдан яхши фойдаланиши ва бегона ўтларнинг тез ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун минерал ўғитлар ўтдан тозаланган пайкалларга солиниши лозим.

Агар қатор ораларига ишлов бериш ўз вақтида ўтказилмаса, культивация сифатсиз қилинса, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига катта таъсир ўтказади. Қатор ораларига ишлов беришда агротехника муддати кечиктириб юборилса, тупроқ зичлашиб кетади. Натижада тупроқ яхши қизимай, ғўзанинг илдизлари яйраб ривожлана олмайди. Қатор ораларига ишлов беришда қўл механизми кескин камайтириш учун агрегатларни тўла ишчи органлари ўрнатилган ҳолда ишлатиш лозим.

Биринчи культивацияни агрегатга пичоқлар ўрнатиб, 6—8 сантиметрли чуқурликда, эгатларнинг ўрталарини эса узунасига юрилганда 10—12 сантиметр, кўндалангига юрилганда 8—10 сантиметр чуқурликда ўтказилса яхши бўлади. Бундан ташқари биринчи культивацияда ишлов бериш кенглиги 60х45 сантиметрли схемада узунасига юрилганда 35—40 сантиметрни, кўндалангига юрилганда 22—25 сантиметрни, 60х50 сантиметрли схемада эса узунасига юрилганда 35—40 сантиметрни, кўндалангига юрилганда 27—30 сантиметрни ташкил этиши керак.

Ғўза парваришининг биринчи цикли муваффақиятли тугалланганидан сўнг ўсимликни сув ва озуқа билан бетиним таъминлаб туриш зарур. Бундан ташқари тупроқни ҳамма вақт нам ҳолда сақлаш, бегона ўтларнинг пеш чиқканини пеш йўқотиб туриш, қатор ораларини ҳамиша юмшоқ ҳолда сақлаш ҳам муҳимдир.

Суғориш ва культивация қилишда ҳар бир ер участкасининг ўзига хос хусусиятларига қараб иш тутиш зарур. Механизаторлар ишлов бериш сифатига алоҳида эътибор қилишлари, ишчи органларини тўғри ўрнатишлари, культивацияни зарур кенглик ва чуқурликда ўтказишлари керак.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг маълумотларига кўра ғўза то гуллагунига қадар ҳар гектар пахта майдонидан бир кеча-кундузда 30—40 кубометр ва ундан кўп сув буғланиб кетади. Агар ҳарорат ҳаддан ташқари ошиб кетса, буғланиш даражаси ундан ҳам юқори бўлади. Шундай экан, суғоришдан кейин ер етилгач, культивация ҳатто 3—4 кунга кечиктириб юборилса ҳам тупроқ яхши юмшамайди, йирик йирик кесаклар кўчиб, ғўзанинг илдизини шикастлаши, ўсишига салбий таъсир кўрсатиши, оқибат натижада ҳосилдорликни 3—5 центнерга камайтириб юбориши мумкин. Ана шунинг учун ҳам қайта-қайта айтаяпмизки, ҳамма культивациялар тупроқ етилиши биланоқ ўз вақтида, сира кечиктирилмасдан ўтказилиши керак. Шундай қилинса, фақат тупроқдаги нам сақлабгина қолинмайди, балки, тупроқ майин қилиб юмшатилади, жўякларни чуқур олишга имкон беради.

Культивацияни бошлашдан олдин ишчи органларини ҳам белгиланган чуқурликда, ҳам белгиланган кенгликда юрадиган қилиб тўғри ўрнатиш зарур. Бундан ташқари культивация ва бошқа трактор билан бериладиган ишловлар ҳар бир участкада илгари қайси қаторлардан бошланган бўлса, навбатдаги ишловларда ҳам айни ўша қаторлардан бошланиши зарур.

Маълумки, бегона ўтлар ҳам мўл ҳосилга зиён етказади, ҳам машина теримига. Шунинг учун ғўзанинг дастлабки парвариши давриданоқ бегона ўтларни йўқотишга жиддий эътибор бериш керак. Кўп йиллик бегона ўтларни йўқотишнинг энг самарали усули—ғўза суғорилганидан сўнг ер ҳали қуримасдан туриб уларнинг илдиз-илдизи билан суғуриб ташлашдан иборат. Бир йиллик ўтларни эса чопиқ пайтида батамом йўқотиш лозим.

Бутун вегетация даврида ғўзанинг зараркунанда ва касалликларига қарши кураши ҳам сира сусайтирмаслик зарур. Агар бу ишга яхши эътибор берилмаса, ҳосил мўлкалланганидай бўлмайди.

Областимиз пахтакорлари ғўзани ёшлигидан бақувват қилиб ўстиришга, ҳамма пайкаллардаги кўчатни то янгим-терим бошлангунигача тўла-тўкис сақлаб қолишга, гектарларнинг тўлиқ бўлишига, ҳар туп ўсимликда мўл ҳосил тўплашга астойдил ҳаракат қилсалар, беш йилликнинг иккинчи йилида эл-юртга берган ваъдаларини устидан чиқиб, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейини ёруғ юз билан кутиб оладилар.

П. ЯЗИКОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.
Л. МЯКИШЕВ,
СоюзНИХИ илмий ходими.



Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг Соң Георгий бошлиқ бригадаси 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган. Бу юксак мажбуриятни бажаришда иш чан тракторчилардан Пак Алексей, унинг ёрдамчиси Қобилжон Ғуломов ўртоқлар айниқса намунали меҳнат қилмоқдалар. Суратда: Пак Алексей ва Қобилжон Ғуломов ўртоқлар ғўза қатор ораларига ишлов беришмоқда.

А. Абалян фотоси.

БУГУН СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ

ХАЛҚ МИНБАРИ

Юксалиш

Босмахонамиз республика вақтли матбуотининг асосий базаси ҳисобланади. У 1921 йили Бухоро республикаси сайёр босмахонаси ва Туркистон ҳарбий округи снёсий бошқармасининг кичик бир босмахонасининг қўшилишидан ташкил топган. Ўшанда корхонада бор-йўғи 35 киши ишлар, пойтахт эҳтиёжлари учун газета ва брошюралар чиқариларди. Ҳарфлар қўлда терилларди, газеталар тигель машиналарида босиб чиқарилларди. Электр қуввати етишмаганлигидан керосин лампалар ёруғида совуқ хоналарда ишлашга тўғри келган.

Матбаачи кадрлар деярлик йўқ эди. Иноилобга қадар ярим кустар босмахоналарда ишлаб келган Тошкент матбаачиларининг кўпчилиги фронтга, баъзилари саноатнинг бошқа соҳаларига ишга ўтиб кетишгани сабабли кадрлар масаласида катта қийинчилик вужудга келди. Маҳаллий аҳоли орасида хат-саводли кишиларни топиш, уларга ҳарф терувчилик, печатникликка касбини ўргатишнинг ўзи бўлмади. Кўпинча ёш ишчиларни ишга ўргатишдан аввал уларнинг саводини чиқаришга тўғри келди.

1930 йили «Альберт» газета ротацияси ва дастлабки линотиплар ўрнатилиши босмахона ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Бу ҳарф теришдек оғир иш жараёнини механизация зиммасига юклашда илк қадам эди. Кекса матбаачилар ўша қувончли кунни ҳали-ҳали яхши хотирлайдилар.

Пиллар ўтаборди. Социалистик индустрия билан бир қаторда мамлакат полиграфия саноати ҳам ўсди, такомиллашди. Аста-секин бесмахонада янги корпуслар қад кўтарди, эски ускуналар ўрнини янгилари эгаллади. 1938 йилда «Совет Ўзбекистони», («Қизил Ўзбекистон»), «Правда Востока» босмахоналари ва 1-босмахона бирлаштирилиб, 40 дан ортиқ линотип, бир неча ротация машиналари, стереотип ускуналари ўрнатилди.

Улуғ Ватан уруши Ўзбекистон полиграфия саноати тараққиётига ҳам катта салбий таъсир етказди. Малакали кадрларнинг кўпчилиги жангга кетди. Уларнинг ўрнини аёллар ва ўсмирлар эгаллашди. Машиналар эҳтиёт қисмларсиз қолди. Урушдан кейин ҳамма нарса яна ўз изига тушиб кетди. 1951 йилдан бошлаб босмахонани тубдан қайта қуришга киришилди. Янги цехлар тикланди, корхона энг замонавий машина ва механизмлар билан жиҳозланди. 1964 йилга келиб босмахона ҳар томонлама ривожланган, юзларча янги ускуналарга эга бўлган корхонага айланди. Эндиликда бу ерда соатига 360 минг нусха газета босадиган ГА ротация машинаси, янги линотиплар, кўп рангли нашрлар босадиган офсет машиналар ўрнатилгандан кейин корхонамиз мамлакатдаги энг йирик босмахоналардан бирига айланиб қолди.

Қуйидаги рақамлар корхонамиз куч-қудратини, босиб ўтган тарихий йўлини очиқ-ойдин ифодалаб бериши мумкин. «Совет Ўзбекистони» газетаси 1947 йилда 64,5 минг нусхада чиқарди. Бу йил унинг тиражи 462 мингга етди, «Правда Востока» 76,5 мингдан 185 минг нусхага етди.

1947 йили «Правда» газетасининг матрицаси Москвадан келтирилиб 62 минг нусхада босиб чиқарила бошланди. Яна уч йил ўтгач, «Известия» 25 минг нусхада босилди. Шундан кейин марказий газеталарни босиб чиқариш кескин ўса борди. Ҳозирги вақтда «Сельская жизнь», «Учительская газета», «Комсомольская правда», «Труд», «Советский спорт» газеталари ва «Футбол» ҳафталиги ҳам бизда босиб чиқарилаяпти. Марказий газеталарнинг бир галги тиражи бир миллион юз минг нусхани ташкил этади. Бунинг учун машиналаримиз 3—4 соат ишлайди, холос. Комбинатимиз ҳозирги вақтда 7—8 соат ичида 3 миллион нусхада газета босиб чиқариш қувватига эга. «Универсал» газета агрегати ишга тушгач, бу вақтни яна қисқартириш мумкин.

Ғоят мураккаб иш ҳисобланган журналлар босиб чиқаришда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир босмахонада 32 номда республика журналлари босиб чиқарилаяпти. Булардан ташқари корхонамиз белгиси қўйилган сон-саноқсиз китоблар ва дарсликлар, брошюралар, рангдор плакатлар ва бошқа матбуот турлари бутун республикага тарқалмоқда.

Комбинатимизнинг ўсиб-улғайишида, мураффақиятларимизнинг кўпайишида нашриётимиз меҳнат ветеранлари ва ёш ходимларнинг катта хизмати бор. Д. А. Коновалов, Ф. Г. Идеесис, В. К. Чемадов, Н. Мунавваров, С. Ф. Шиманский, С. Одилов сингари 30—40 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, ўз ишига садоқат ва муҳаббат намунасини кўрсатган ўнлаб ветеранларимиз билан коллективимиз ҳақли равишда фахрланади.

Биринчи ротация печатниги Ҳайдар Азимовнинг кўпйиллик меҳнатини Ватан юксак тақдирлади. У Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Х. Азимов босмахона ишга келганида ҳарфларни зўрга ажрата олар эди. Рус дўстларининг кўмагида қисқа вақт ичида саводини чиқариб олди. Кейинчалик ротация машинасининг сирларини ўрганди, юқори малакали мастер бўлиб етишди. Кейинчалик ўзи ҳам ўнлаб шогирдлар тайёрлади.

Линотипчилардан А. Абдураҳмонов, А. Мирзажонов, Р. Минуллина, ҳарф терувчилардан А. Иброҳимов, Х. Хазиева, печатниклар Н. Хоменко, Х. Юнусов, ротация цехи печатниклари Н. Суздальцев, Ч. Махсумов, К. Рамазонов, Р. Муҳамедов, офсетчилар Ш. Набиев, Х. Хлюстов, В. Полифронов, цинкографлардан З. Бадалов, Н. Швец, Ҳ. Зоҳидов ва бошқа ишлаб чиқаришилғорлари ўз отаоларини меҳнат традицияларини шараф билан давом этиришмоқдалар. Бир вақтлар кадрлар масаласи муаммо бўлган босмахонамизда ҳозир ўнлаб ажойиб ишлаб чиқариш командирлари, цех мастерлари бор. Н. Ваҳобов, А. Герасимова, Т. Абдурахмонов, А. Бектемиров, А. Муҳамедов, Н. Теслюк, С. Леонтьев, С. Ивашкин, Х. Орифжонов, О. Блинов, А. Аверкиева ва бошқалар уста матбаачи бўлиб қолдилар.

Нашриёт коллективи бир неча бор мамлакат полиграфия саноати корхоналари ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқди. Ўтган йилнинг учинчи кварталн якунлари бўйича коллективимиз СССР Министрлар Совети матбуот комитети ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғи ва биринчи пул мукофотини олишга сазовор бўлди. Шунингдек «Правда» газетасини юқори сифатли босиб чиқариш юзасидан Бутуниттифоқ мусобақасида учинчи ўринни эгалладик.

Матбуот куни арафасида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Кўни кеча биринчи квартал натижалари бўйича социалистик мусобақада корхонамизга учинчи ўрин берилганлиги ҳақида Москвадан телеграмма олдик.

Ҳозир матбаачиларимиз коммунистик меҳнат корхонаси деган юксак номни қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Бу мақсад йўлида кўп куч ва меҳнат сарф қилишимиз керак.

1970 йилга бориб Бирлашган нашриётда босиб чиқариладиган республика ва область газеталари тиражи 57 процент, журналлар тиражи 45 процент ўсади. Вақтли матбуотнинг бошқа турлари ҳам сон жиҳатдан анча ортади. Шунга мувофиқ беш йилликнинг охирига бориб комбинатни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишлари тугалланиши керак.

Маълумки, марказий газеталарнинг матрицалари Москвадан самолётда олиб келинади. Газеталарнинг ўз вақтида чиқарилиши кўпинча об-ҳавога ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Нашрнётимизда яқинда фототелеграф монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бу фототелеграф марказий газеталар сахифаларн тасвирини тўппа-тўғри Москвадан олиш имконини беради. Мана бир неча ойдирки, «Правда» ва «Известия» газеталари алоқа каналлари орқали қабул қилиб олинган газеталар сахифалари тасвири асосида ўзимизда тайёрланган матрицалардан босилмоқда. Бу усул бизга кўп қулайликларда жуда қўл келди. Об-ҳаво нокулай бўлган пайтларда матрицалар Тошкентга вақтида етиб келмади. Бироқ газетхонлар «Правда» ва «Известия»ни ҳар кунгидек вақтида ўқийвердилар. Шу йилнинг учинчи кварталида ҳамма марказий газеталар тасвирий фототелеграф йўли билан олиниб, матрицалари ўзимизда тайёрланадиган бўлади.

Салкам ярим аср мобайнида республикамизда энг йирик газета-журнал саноати базасини вужудга келтириш соҳасида жуда кўп ишлар қилинди. Лекин ҳали булар кам. Коллективимиз ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш ва ихтисослаштириш, корхона қувватини кенгайтириш, босилаётган газета ва журналлар сифатини яхшилаш учун бундан кейин ҳам тинмай курашаверади. Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.

И. ШОҒУЛОМОВ.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бирлашган нашриёти директорининг ўринбосари.



Қишлоқ мухбири В. Бобохонов (ўртада) ва Т. Нуркўзиев, Т. Нишонбоев, С. Бекенев ва А. Правдивцев ўртоқлар.

А. Абалин фотоси.

Мактаб газеталари

Киров районидаги 12-мактаб заллари, коридорларини айланар экансиз, дид билан безатилган стендлар, илмий-атеистик кўргазмалар, ранг-баранг фотогазеталар, турли номдаги деворий газеталар беихтиёр диққатингизни жалб этади. Уларда мактаб ҳаёти худди кўзгудагидек яққол акс этиб турибди.

Мактаб партия, касаба союз, комсомол ва пионер ташкилотлари стендлар, деворий ва фотогазеталар, жанговар варақаларнинг таъсир кучини ошириш, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини кўтариш учун катта иш қилмоқдалар.

Ҳар ойда бир марта чиқаётган «Мактаб ҳақиқати», «Пионерлар овози» деворий газеталари ўқувчилар ҳаётини атрофлича ёритишда, ютуқларни кўрсатиб, камчиликларни очиб ташлашда ижобий роль ўйнамоқда.

«Ёш математиклар», «Ёш мичуринчилар» каби деворий газеталар ёшларни илмий-атеистик руҳда тарбиялашда, уларнинг билим асосларини пухта эгаллашларига ёрдам бермоқда.

Булардан ташқари мактабда чиқиб турган «Ўзбекистон эришган ютуқлар», «Ёш адабиётчилар», «Мактаб спорти», «Бугунги Тошкент» сингари фото-газеталар ҳам ўқувчиларнинг дунё қарашини шакллантириш, уларнинг эстетик дидларини ўстиришга хизмат қилмоқда.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҚЎЛДА ҚАЛАМИ БИЛАН

Дарс тугади. Ҳозиргина ўқувчиларнинг шовқин-сурони билан гавжум бўлган хоналар сув сепгандек жим-жит бўлиб қолди. Директор ўз хонасига кириб, бироз ўлтирди, бугунги ишларга якун ясади. Энди кетмоқчи бўлиб турган эди, хона эшиги очилиб ўрта ёшлардаги икки киши кириб келди. Улар «Ленинизм» сельпоси ишидан шикоят қилиб келишган.

Колхознинг агроном участкасидаги магазин биноси ниҳоятда эскириб, деворлари дарз кетиб, савдо- сотиқ қилиш учун хавфли бўлиб қолган. Сельпо раҳбарлари янги магазин биноси қуриб беришни кўпдан буён галга солмоқдалар. Агротехник, Муқимий номли участкаларда очилган нонвойхоналар эса уч-тўрт ойдан буён ишламай қўйди.

— Бу ҳақда, — деб айтишди қишлоқ аҳолиси номидан сўзлаб бояги кишилар, — сельпо раҳбарларига мурожаат қилаверіб чарчадик. Улар ҳар гал ваъда беришади-ю, лекин бу ваъдалар оғизда қолиб кетаверади. Ахир ваъданинг ҳам охири бўлиши керак!!

...Эҳтимол сиз директорга бундай шикоятнинг қандай даҳли бор, деб ажабланаётгандирсиз. Тўғри, Валихон ака Бобохонов 26 йилдан буён Фрунзе номли колхоздаги Улуғбек номли ўрта мактабга директорлик қилиб келади. Моҳир педагог мактабда ўқув тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш соҳасида куч-ғайратини аямасдан меҳнат қиладн.

Лекин Валихон ака фақатгина педагог, директор бўлибгина қолмай, қишлоқнинг актив жамоатчи зиёлиларидан ҳамдир. Район Советининг депутати, кекса қишлоқ мухбири сифатида халқ ўртасида обрў-эътибори ортиб бормоқда унинг. У каттадан кичикнинг меҳрибони, маслаҳатгўйидир. Бирон муҳим масала чиқиб қолгудек бўлса, маслаҳатлашгани унинг олдига тез-тез келиб турадилар. Тўй-томошалар унинг иштирокисиз ўтмайди. У қишлоқ аҳолисининг хурсандчилигига ҳам, қайғусига ҳам шерик.

...Директор уларнинг шикоятини диққат билан тингларди, блокнотига нималарнидир ёзиб олди. Сўнг кўнгилларини тинчитди.

— Бу масаланн тегишли ташкилотлар билан, албатта, гаплашиб кўрамиз, — деди у, — хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида бўлади.

Эртасига Валихон ака қишлоқ колхоз участкаларини айланиб, шикоятда айтилган гапларнинг тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Сўнгра бу ҳақдаги мулоҳазаларнни, шикоятнинг мазмунини сельпо раҳбарларига етказди. Лекин сельпо раҳбарлари конкрет бир жавоб айтиш ўрнига ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишди. Ана шундан кейин кўп ўтмай область газетасида В. Бобохоновнинг «Ваъданинг охири борми!» сарлавҳали танқидий мақоласи босилиб чиқди. Мақолада сельподаги айрим раҳбар ўртоқларнинг кирдикорлари ишончли фактлар асосида кўрсатиб берилган эди...

Валихон ака газетага хабарлар ёзишни жуда ёшлигидан бошлади. Унинг дастлабки хат-хабарлари 1926 йилда чиқадиган «Камбағал деҳқон» газетасида босилиб чиқди. У маҳалда қишлоқда ишлаш анча оғир эди. Ер эгалари бўлиб келган бойлар, қулоқлар, ёт унсурлар ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ёш Совет ҳокимиятининг обрўсини туширишга, деҳқон аҳлини ҳақиқий йўлдан чалғитишга уринар эдилар.

Бир кун «Камбағал деҳқон» газетасида унинг «Оч бўриклар» сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Бунда у савдо тармоқларига ўрнашиб олган эгри қўлларни шармандаю-шармисор қилган эди. Эртасига ўша танқид қилинган кишилар Валихон аканн овлоқ жойда учратиб, роса калтакладилар. Ёш йигитча экансан, бу кўлингдан қайт, мен нотўғри ёзибман деб, тан ол, деб дўқ урадилар. Уч кун ўтгач, ўша маҳалда чиқадиган республика газетаси «Шарқ ҳақиқатида бу ҳақда «Мухбирга ҳужум» сарлавҳали хабар босилиб чиқди. Эгриқўллар писиб қолдилар.

Валихон Бобохонов ўзи танлаган йўлдан ҳеч қўрқмай олға қараб интилди. Қаламини янада ўткирлаштирди. Қишлоқда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашда, душман унсурларни тугатишда партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам бериб турди. 1938 йилда Янгийўлдаги мактабга ўқитувчи бўлиб келгач, мухбирлик фаолиятини янада кучайтирди. Энди у «Янгийўл» ва кейинчалик эса «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» область газеталарида ўзининг қишлоқдан ёзилган ҳар хил темадаги мақола хабарлари билан актив қатнаша бошлади.

Валихон ака моҳир педагог, ташкилотчи раҳбар бўлиши билан бирга оқканиинг ғамхўри, меҳрибон ота, талабчан устоз ҳамдир. У 8 фарзандининг отаси. Умр йўлдоши Умрнинса билан биргаликда бу фарзандларининг одобли, элга манзур кишилар қилиб тарбиялаш йўлида меҳнат қилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, бу оиладаги фарзандларнинг юриш-туриши, кийиниши, бир-бирига бўлган муомаласига ҳамманинг ҳаваси келади. Оиланинг катта қизи Муяссар Свердлов қишлоқ Советидаги ўқув ишлаб чиқариш цехида мастер, Тошкент Давлат университетининг II курсида сиртдан ўқийди. Муқаррамхон ўқитувчи, у ҳам олий ўқув юртида сиртдан ўқийди. Матлуба ўрта мактабни битиргач, колхозда қолиб ишлаш истагини билдирди. Катта ўғли Алихўжа ҳам ўрта маълумотли бўлгач, механизаторлик касбини танлади. Абдувоҳоб, Абдусаид, Маргубалар эса ўрта мактабда яхши ва аъло баҳолар билан ўқишади.

Валихон ака бугун мактабдаги ишларини анча барвақт тугаллади. Сўнг енгил нафас олиб, ташқарига чиқди. Шу пайт мактаб рўпарасидаги идорадан секретарь қиз уни чақириб қолди. Редакциядан телефон қилишаётганлигини айтди.

Валихон ака идорага кириб телефон трубкасини қўлга олди. У область газетасининг Янгийўлдаги мухбирлар постн бошлиғи. Шунинг учун ҳам унга дала ишларининг борнши ҳақида ўзи ва пост аъзолари номидан рейд материали уюштириб беришни илтимос қилишаётган эди.

Валихон ака топшириқни олгач, қўлда қаламн ва блокноти билан пахта далаларига отланди...

Н. РИХСИЕВ.

ИККИНЧИ КАСБ

Ҳар бир касбнинг ўз гаштн, завқи бўлади. Мендан сиз қайси касбга қизиқасиз, деб сўрасалар, албатта, газетачиликка деб жавоб бераман. Шу сабабли ҳам ёшлигимдан бошлаб газетачиликка ихлос қўйганман. Ўрта мактабни битириб технникумга ўқишга кирган кезларимда ҳам ана шу орзумни рўёбга чиқариш мақсадида газеталарга хабарлар ёзиб турдим. Тажрибали журналистлар билан маслаҳатлашишни ҳам унутмадим. Матнжада матбуотда бирин-кетин хабар ва мақолаларим босилиб чиқа бошлади.

Мен деярли ҳар куни газеталарнинг янги сонларини кўздан кечириб, ўзимни қизиқтирган нарсамни мириқиб ўқир, сўнг эса дарс тайёрлаб дам олардим. Ана шундай қилмасам кўнглим ўрнига тушмасди. Газеталар сахифаларида эълон қилинадиган материалларни ўқиб-ўрганиш менга кўп фойда келтирди.

Техникумни муваффақиятли тугатдим. Шу орада кўплар қатори мени ҳам ҳарбий хизматга чақирдилар. Совет Армиси сафида ўзимнинг гражданлик бурчимни адо этар эканман, бўш вақтларимда ҳарбий қисмларда бўлиб, қурполдош дўстларимнинг ўз хизматларини қандай ўтаётганликлари билан танишиб, улар ҳақида газета редакцияларига хат-хабар, мақола ва лавҳалар ёзабошладим. Менинг бу материалларимдан «Тошкент ҳақиқати», «Ёш ленинчи» ва «Совет Ўзбекистони» газеталари фойдаланаётганлигидан ғоят қувонаман. Ўтган бир ярим йил давомида «Совет Ўзбекистони» газетасн сахифасида «Коммунистнн ахлоқ ва одоб» масалалари рубрнкаси остида «Она мадҳи», «Асаббузар» ва «Дўст орттир» сингари материалларим босилиб чиқди.

Шуни ҳам айтишим керакки, баъзида юборган материалларимга редакциядаги ўртоқлар унинг камчиликларини кўрсатиб, керакли маслаҳатлар бериб, жавоб ёзиб юборишади. Бундай пайтларда баъзибир ҳавасқорларга ўхшаб сира-сира руҳимни туширмайман. Аксинча, яхши маслаҳат берганларнинг ташаккурини ўз ишларимда ёрқин ифодасини топишга ҳаракат қиламан.

Ҳозир ўзимни ҳақиқий газетачи деб ҳисоблайман. Ҳар куни газеталарни ўқиб, ундаги материалларни ўзлаштириб, ўз устимда ишлашни давом эттираман.

Яна бир ярим йилдан сўнг хизмат муддатим тугайди. Ана шу муддат ичида яна кўплаб мақола, хабар, лавҳалар ёзиш ниятидаман. Менинг мухбирлик бурчим, қалбим истаги ана шунга ундайди.

И. НОРМАТОВ,
медицина хизмати сержанти.
Н-қисм.

КЎМАКДОШЛАРИМИЗ

Телефонда таниш овоз эшитилди.

— Куйбишев колхозидан гапиряпмиз, Халил Мансуровмай.

— Салом. Соғлиқлар яхшими? Қандай янгиликлар бор?

— Колхозимизда картошка гуллади.

Редакция қишлоқ хўжалик бўлимининг адабий ходими Нозир Қодиров жамоатчи мухбирдан зарур маълумотларни олгач, машина бюросига шошиб кириб келди...

Шундай. Редакцияда ҳеч вақтиним бўлмайди. Ходимлар ҳамиша янгиликлардан кўз-қулоқ бўлиб туришлари шарт. Ҳозиргина Охунбобоев номли совхозда қўзғатиш кампанияси муваффақиятли ўтганлиги тўғрисидаги материални номерга тайёрлаб бўлган редакция ходимини яна телефон қўнғироғи чорлади. Чоштепада картошка гуллабди. Кечагина бўлиб ўтган кенгашда бир қатор колхозларда ортаги картошка экиш плани бажарилмаганини танқид қилинди. Шу туфайли жамоатчи мухбирнинг хабарини дарҳол эълон қилиш ғоятда муҳим. «Ленинчи» газетхонлари навбатдаги соида «Картошка гуллади» сарлавҳали хабарни ўқишди.

Газетамиз жамоатчи мухбирларининг катта кумагига таяниб, иш олиб бормоқда. Районда халқ хўжалигини ривожлантириш, турмуш маданиятини ошириш ва янги кишини тарбиялаш билан боғлиқ бўлган темаларни ёритишда штатсиз мухбирларимиз кўшаётган хиссаси катта бўлмоқда. Ҳар куни редакция ўз мухбирларидан тобора кўпроқ хат-хабар оляпти. К. Маркс қишлоқ Совети ижроия комитетининг ходими Тургун Жўраев, Бўзсув қишлоқ касалхонасининг фельдшери Ҳусниддин Ғўлдошев, район касалхонасининг ходими Шаҳобиддин Абдуллаев, 40-ўрта мактаб илмий бўлим мудири Латиф Шарипов, 7-мактаб ўқитувчиси Абдунаби Исажонов, 89-мактаб ўқувчиси Бахтнёр Сандалиев, «Москва» колхозининг аъзоси Ғани Абдуллаев, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош экономисти Неъматилла Саъдуллаев сингари саксонга яқин қишлоқ мухбирлари газетамиз сахифаларида ўз материаллари билан мунтазам қатнашаётирлар.

Районимиз — сабзавотчилик, богдорчилик ва чорвачилик райони. Ўз ишининг асл усталари, моҳир деҳқонлар ҳақрамон пойтахтимиз меҳнаткашлари дастурхонини қишин-ёзин сабзавот, хўл мева, семиз гўшт ва сермой сутга маъмур қилиш мақсадида баракали меҳнат қилишади. Давримиз қаҳрамонлари, коммунизм учун толмас курашчилар бўлган оддий меҳнаткаш кишилар ҳақида ёзишдан ҳам фахрли бурч борми-кин!?

«Ленинчи» газетасининг жамоатчи мухбирлари беш йиллик қаҳрамонлари ҳақида завқ билан ижод қилаётирлар. Айни вақтда редакция ишчи-қишлоқ мухбирлари ёрдамида тежамкорлик ва иқтисод, илғорлар тажрибаси темаларига доир материалларни ҳам ишлаб эълон қилаётир.

Қишлоқ хўжалигида илғор тажрибаларни пропаганда қилиш бўлими редакция коллективига яқиндан ёрдам бераётир. Жамоатчилик асосларида иш олиб бораётган ана шу бўлим ходимлари актуал темаларда сахифа ва разворотлар уюштираётирлар, ишлаб чиқариш илғорларининг газета сахифаларида чиқишларига ёрдам бераётирлар.

Ишчи-қишлоқ мухбирлари газетамизнинг таянчларидир. Қалб амри билан дала кезиб, ферма айланиб, бог оралаб, янги-янги кишилар билан суҳбатда бўлиб, сиичков мухбирларимиз ўз материалларида жўшқин ҳаётимиз, яратувчилик меҳнатимизнинг ёркин лавҳаларини гавдалантираётирлар. Жамоатчи мухбирнинг матбуот сахифасида эълон қилинган таъсирчан сўзи қишлоқ меҳнаткашларини юбилей йили марраларини эгаллашга ундайди.

Бу йил — юбилей йили. Барчамиз Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олишга тайёрланаётирмиз. Газетамиз сахифаларида ҳам Октябрь темаси кенг ёритилаётир. Революция ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларининг мақолалари кўплаб эълон қилинаётир.

Ленин жамоатчи мухбирлар билан ишлаш, уларни ўқитиш борасида ҳали кўпгина ишларни бажаришимиз лозим. Яқинда бўлиб ўтган ишчи-қишлоқ мухбирларининг III республика съездидан кейин ўз режаларимизни қайтадан кўриб чиқдик. Редакция қошида ишчи-қишлоқ мухбирларининг қисқа муддатли курсларини очиш ниятимиз бор. Район партия комитети бу фикримизни маъқулламоқда.

Бир муҳим масалани ҳам ҳал қилишимиз зарур. Бу — ишчи-қишлоқ мухбирлари постлари ва бўлимлари фаолиятини жонлантиришдан иборат. Бу — жуда муҳим иш. Шуни назарда тутиб, редакция ҳузурида мухбирлар Совети, штатсиз партия турмуши, қишлоқ ёшлари билан ишлаш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш, фан, маданият ва маориф, хотин-қизлар билан ишлаш бўлимларини қайтадан тузаётирмиз.

Аввалларн редакциямизнинг жойлардаги мухбирлар постлари зоналар бўйича тузилган эди. Ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракати янада жонланиб бораётган ҳозирги даврда мухбирларнинг бу тармоги ҳам ўзини оқламади. Шунинг учун постларни хўжаликлар, корхоналар муассасаларда тузаётирмиз. Ундан ташқари ишлаб чиқаришнинг зарбдор участкаларида сабзавот қабул пунктларида мавсумий постлар ҳам тузишга киришдик. Амалга ошираётган тадбирларимиз район ишчи-деҳқон мухбирларининг активлигини оширишга хизмат қилади, хўжаликларимиз олдида турган юбилей йили вазифаларини муваффақиятли бажаришда уларнинг таъсир кучи ошади деган умиддамиз.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
Калинин район «Ленинчи» газетасининг редактори.



Мана саккиз йилдирки, пойтахтнинг Октябрь районидаги 20-почта бўлими почтальони Венера Низомиддинова тонг билан ўз участкасига қарашли хонадонлар эшигини қоқади. У газета, журналларнинг янги сонларини, нафақа пули ёки хат олиб келади. Ҳар куни ўзи хизмат қилаётган 500 хонадонга хушхабар элтади, нур ва қувонч олиб киради.

А. Тўраев фотоси.

НАВОИЙ ЭЛИДАН МАХТУМҚУЛИ ЭЛИГА САЛОМ!

ҚАРДОШМИЗ, ҚОНДОШМИЗ

ТУРКМАНИСТОНДАН ХАТ

Биз, Туркманистонда ўзбек адабиёти ва санъати ўнкунлигининг қатнашчилари, ҳозир меҳмондўст Ашхобод аэропортига келиб тушдик. Бу сатрлар қувончли ҳаяжон билан ёзилмоқда. Чунки биз ҳаммамизга азиз ва муқаддас бўлган қадим туркман тупроғига қадам қўйдик. Бу ерда бизнинг ота ва акаларимиз қон тўкиб, жон бериб, ҳаммамизнинг умумий ёркин тақдиримизни жангларда ҳимоя қилганлар. Яқингинада бу тупроқ Маллесон, Жунаид ва Фунтиков каби авантюристларнинг ёнғинларидан колган ўтли кулга ўхшар эди, энди эса у бизни дуркин баҳор эпкинлари, бодроқ-бодроқ гуллаган боглар, тантаналы байрам садолари билан кутиб олмоқда. Биз бу ерда, бу қадим юртда асримизнинг навқирон чеҳрасини кўрдик.

Бу сатрлар қувончли ҳаяжон билан ёзилмоқда. Чунки биз буюк туркман халқига таъзим қилгани келдик. Унинг буюклиги миқдорида эмас, ажойиб, олижаноб ишларидадир. Биз қардош туркман халқини унинг соф қалби учун, нурли кўз қарашлари учун, беназир меҳнатсеварлиги учун яхши кўрамиз. У ўзининг ҳамма серунум ерларини ўжар табиатга қарши оғир жангларда қўлга киритган. Биз бутун Қорақум устидан учиб ўтдик. Бу — чексиз қум денгизи. Денгизни, маълумки, «худо яратган». Лекин унинг обод соҳилларини туркман халқи барпо этгандир. Амуни Ашхободга буриб юборган ҳам. Небит-доғнинг донгини оламга таратган ҳам шу халқ. Ўз гўзал пойтахтини қайта бино этган ҳам, Тошкентимиз бошига оғир кунлар тушганда биринчи бўлиб ёрдам қўлини узатган ҳам шу халқ.

Бу сатрлар қувончли ҳаяжон билан ёзилмоқда. Чунки биз азиз сафдошларимиз — қардош туркман ёзувчиларининг меҳмонларимиз. Улар мамлакатимизнинг бақувват ва баркамол адабиётларидан бирини яратган кишилар. Берди Кербобоев, Беки Сайтоқов, Ота Қовуштов, Хидир Дарёев романлари, Чори Аширов достонлари, Ҳусайн Мухторов драмалари орқали биз туркман халқининг ёркин қиёфасини, олижаноб қалбини, шонли йўли ва гарихий галабаларини, бу ўлканинг ажойиб тақдирини кўз ўнгимизга келтирамиз. Бу эса адабиётда етуклик аломатидир.

Бу адабиётни биз дадил граждanлик туйгулари учун, чуқур лиризми учун севамиз, севиб ўқиймиз, таржима қиламиз. Кўпларимиз туркман адабиёти таъсирида улгайдик. Биз у билан болаликдан бошлаб танишамиз. Ўзбекистон ва Қорақалпогистонда туркман адабиёти классикларининг ижоди кенг оммага таниш. Андалиб, Махтумқули, Камина ва Мулланафас бизнинг ўз миллий шоирларимиздай бўлиб кетган. Бу — икки халқнинг самимий яқинлигидан, азалдан умумий ёркин традицияларидан борлигидан. Буюк Алишер Навоийнинг туркман китобхонларига яқинлиги ҳам халқларимиз тарихий дўстлигининг гўзал рамзидир.

Ўзбекистонда туркман ёзувчилари билан ўтган йилги учрашувларимиз ҳали ёдимизда. Туркман поэзияси садолари ҳамон қулоғимизда янграмоқда. Шаҳар-қишлоқларимизда поэзия мухлислари талантли туркман шоирларидан Қора Сеитлиев, Анна Қовусов, Карим Қурбоннафасов, Қаюм Тангриқулиев, Оллоберди Ҳоитов, Қурбонназар Азизов, Ёгмур Пирқулиев, Нури Байрамовларнинг овозини ҳали-ҳали миннатдорлик билан эсламоқда.

Туркман адабиёти ва санъати ўнкунлиги пайтида биз ўзбек ёзувчилари туркман адабиётидан кўп нарса ўрганиш мумкинлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Бизнинг ижодий ҳамкорлигимиз ғоявий мақсадларимизнинг бирлигига асосланган. Бизнинг дўстона учрашувларимиз — профессионал маҳорат мактабидир. Адабиётларимиз дўстлиги, ўзаро бир-биримизни бойитишимиз ижодда янги маънавий бойликлар очишимизга имкон бермоқда, ижодий изланишларда бизга дадиллик бағишламоқда.

Бизнинг дўстона учрашувларимиздан китобхон ҳам фойда қилаётир. Фақат сўнгги йилларнинг ўзида, миллий адабиёт ва санъат ўнкунликларининг конкрет натижаси ўлароқ, ўзбек китобхонлари 15 дан ортиқ туркман китобларини, 20 тача украин ва 10 га яқин белорус китобларини ўз она тилларида ўқиш имконига эришдилар. Шу кунларда Ашхободда ҳам кўпгина ўзбек ёзувчиларининг китоблари туркман тилида босилиб чиқибди. Бунинг учун биз дўстларимизга чуқур ташаккур билдирамиз.

Ҳозир ўзбек ва туркман ёзувчилари Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллигига аталган китоблари устида ишламоқдалар. Туркманистондаги ижодий учрашувларимиз асосан шу ҳақда, улуғ байрамга аталган кўлёзмалар устида, уларнинг ғоявий-бадиий сифатини яхшилаш тўғрисида бўлажак. Бизнинг муштарак вазифамиз бор, биз адабиётнинг ғоявий софлиги, бадиий юксаклиги учун курашамиз. Бу курашда бизнинг дўстлигимиз ютуқлар гаровидир. Биз Бутуниттифоқ ёзувчиларининг IV съезди арафасида турибмиз. Бу тарихий воқеа ҳам бизнинг декада кунларидаги ижодий учрашувларимизнинг масъулиятини оширади.

Дўстлик — шунчаки тантанали сўз эмас. Дўстликнинг масъулияти бор. Биз қардош туркман халқига ижодий ҳисоб бергани келдик. Бу имтиҳондан муваффақиятли ўтишимиз керак, бутун фикри-зикримиз шундадир.

Асқад МУХТОР.



Ўтган йил ноябрь ойида республикамизда Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси катта муваффақият билан ўтка зилган эди. Сиз кўриб турган бу сурат ўша декада кунларида Тошкентда олинган. Қардош туркман рассомлари яратган полотнолар виставкасида туркман ва ўзбек рассомлари ўзаро суҳбатлашиб туришибди.

ДЎСТЛИК

К. ЭШОНОВ

Уйда ўлтирсамда, йўлга чиқсамда,
Ул менинг ўйимда бўлар намоён,
Қаерга бормайин, қайга боқмайин,
Йўлимни ёритар қуёшдек чунон.
Кезаман Москва кўчаларини,
Мармар метро бўйлаб парвоз этаман.
Қалбим дер: кез элнинг ҳамма ерини,
Ҳамма жой ўз еринг, эъзоз этаман.
Айланиб қишлоқни, борсам шаҳарга,
Кўраман дўстларнинг кулган юзини.
Борсам кун ортидан узоқ Сибирга
Тинглайман қардон «Ўртоқ» сўзини.
— Нима қиммат эрур ҳамма нарсадан?—
деб савол берсалар менга ногаҳон.
Дердим: дўстлик қиммат ҳамма нарсадан,
У элим йўлини ёритар ҳар он.

Туркманчадан НАЗАРМАТ таржимаси.

ОДАМ ВА ҚУВОНЧ

Қора СЕИТЛИЕВ

Гавирсин чўлида жайронлар кезур,
Деб жавоб берардим, ким сўрса аввал.
Гавирсин кўлида оққушлар сузур,
Дейман, дўстлар энди ким сўрса бу гал.
Овчилар орзуси жайрондур деса,
Кўнглингиз қолмасин шоир сўзидан.
Менга бахт дарёсин беринг бир йўла,
Сизга ҳам сув берди дарё ўзидан.
Ойнинг ишқи бирлан хуб яйраб оқшом,
Олис-олислардан келсангиз якка,
Кўнгил боғингизга бағишлаб ором,
Биз кутиб олурмиз каналда, ука.
Турнанинг кўзидай зангор кўлимда
Зилол оби ҳаёт ўйнар ноз билан.
Дунёнинг ўзидай, дарё кўнглимда—
Нурли тўлқинлари жўшар соз билан.

Ойна кўл бошида ойнинг ишқида,
Кўрсайдим сизнинг ҳам жоду кўзингиз.
Умр боқий эрур ҳаёт кўшкида,
Жонга офат бўлур жайрон нозингиз.
Чўл баҳорсиз бўлур жайрон бўлмаса,
Чўлларнинг гўзали жайрондир ёлғиз.
Кўл баҳорсиз бўлур оққуш келмаса,
Кел, кўлнинг гўзали, оққушим бу кез.
Кел, орзу ушалсин, ойнинг қошида
Уч Муродим уч оққушни келтирсин.
Бизлар билан ўйна кўлнинг бошида,
Оққушларнинг зулфин ўйнаб ўлтирсин.
Гавирсин чўлида жайронлар кезур,
Деб жавоб берардим, ким сўрса аввал.
Бахтин дарёсини қурганлар кезур,
Дейман дўстлар энди ким сўрса бу гал.

САНЪАТКОР ҚАЛБИ

Беки Сейтоқов туркман совет адабиётининг улкан вакилларидан биридир. Унинг асарлари қардош туркман адабиётининг юзага келиши ва шаклланишида муҳим ўрин тутади. У туркман адабиётини Бутуниттифоқ миқёсига олиб чиқиш, бу адабиётнинг довруғини ошириш ишига самарали ҳисса қўшган санъаткордир.

Беки Сейтоқов 1914 йилда Тошовуз областидаги Бадиркент қишлогида туғилган. Беки болалик йилларидаёқ турмуш азоб-уқубатларини бошидан кечирди. Ота-онасидан жуда эрта ажралган Беки янги ташкил этилган мактаб-интернатда тарбияланади, сўнг Тошовуз техникумини битириб, областнинг бир қанча районларида ўқитувчилик қилади. Унинг шеъриятдаги дастлабки машқлари шу вақтларга тўғри келади. Ёш шоирнинг илк шеърлари ҳали бадиий жиҳатдан пишиб етилмаган бўлсада, ҳарорати, самимийлиги, даврнинг энг муҳим масалаларини дадил кўтариб чиққанлиги билан эътибор қозонди.

Беки Сейтоқов 1937 йилдан бошлаб Ашхободда «Ёш коммунист», «Мидам тайёр», «Совет эдебияти» газета ва журналларида ишлайди. У бу вақтда халқ ўртасида шоир сифатида танилган, ўз асарлари билан туркман ўқувчилари қалбидан ўрин ола бошлаган эди. 1938 йилда унинг «Ёшлик» деган биринчи шеърлар тўплами нашр этилади. Тўпламга кирган шеърларда колхоз тузилишининг дастлабки йиллари, ёшларнинг маданият ва илмга интилиши қаламга олинади. Шоир кейинроқ «Эдебият ва санъат» газетасининг масъул муҳаррири, Туркманистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари лавозимларида ҳам ишлайди. Граждanлар уруши темасида «Ўт ичида» поэмасини яратади.

Беки Сейтоқов кейинги йилларда проза жанрида асарлар яратишга киришади. Адиб ўзининг дастлабки проза асарларида ёшларни янги ҳаёт қуришга, билим олишга, социалистик тузум қудратини янада оширишга, инқилоб самараларини муқаддас сақлашга даъват этади.

Ёзувчи урушдан кейинги йилларда қишлоқдаги маданий қурилиш темасида бир қанча асарлар яратди. Бу асарларнинг етакчи қаҳрамонлари агрономлар, ўқитувчилар, умуман қишлоқ зиёлиларидир. «Москва нури», «Серташвиш кишилар», «Замондошлар» ва «Комсомоллар» повестларида туркман меҳнаткашлари ҳаётининг турли-туман томонлари кўрсатилади, замонамизнинг илғор кишилари образи чизилади.

Ёзувчининг «Шоир» романи Туркманистоннинг машҳур халқ шоири Дурди Қиличга бағишланган. Маълумки, туркман халқ ҳаётида бахшиларнинг ўрни катта бўлган. Улар инқилобнинг дастлабки йилларида халқни совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг душманларига қарши курашишга чақирганлар, янги ҳукуматнинг сиёсатини омма ўртасида ташвиқот қилганлар. Дурди Қилич ҳам худди шундай бахши шоирлардан эди. У жуда оғир ҳаёт кечирган, ёшлигидаёқ икки кўзидан ажралган. Иродаси ўта мустаҳкам Дурди аввал бошқа шоирларнинг шеърларини ёзиб, ўрганиб юради, кейинроқ эса ўзи оригинал асарлар яратади. Б. Сейтоқов ўз романида туркман халқининг инқилобдан кейинги турмушини ифода этишга, шоирнинг маънавий дунёсини кўрсатишга, унинг республикада янги ҳокимиятни мустаҳкамлаш даврида ўйнаган ролини тасвирлашга катта эътибор берган.

Беки Сейтоқовнинг «Қардошлар» романи — эпопеяси, Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам» ва Х. Дарёевнинг «Қисмат» романлари билан бирга биродарларимиз адабиётининг кўрки, бутун совет адабиётининг ҳам ютуғи, энг яхши асарларидан ҳисобланади.

Ёзувчи ўзининг бир қанча асарларида халқлар ўртасидаги дўстлик барча галабаларимизнинг омили, эканлигини яхши кўрсата олган. «Қардошлар» романида ҳам ўзбек, туркман, рус қорақалпоқ меҳнаткашларининг Жунаидхон ва чет эллик истилочиларга қарши олиб борган мардонавор кураши акс эттирилган. Туркман йигити Сафармурод билан қорақалпоқ йигити Ҳўжабек ўртасидаги қардошларча дўстлик икки халқ орасидаги биродарликнинг тимсоли дейиш мумкин. Романнинг номи ҳам рамзий маънога эга бўлиб, бу ном асар руҳини тўла акс эттиради. Ёзувчи туркман Сафармурод ва Қосим, рус Ефимов ва Шайдаков, ўзбек Машариф ва Нурмат, қорақалпоқ Йўлмирзаев ва Ҳўжабеклар бир жон ва бир тан бўлиб курош олиб борганликларини зўр маҳорат билан тасвирлайди. Адибнинг «Шоир» романида ҳам ўзбек, туркман, қорақалпоқ халқларининг дўстлигига анча ўрин берилган.

Беки Сейтоқов ўзбек ва туркманларнинг қон-қардошлиги ҳақидаги «Икки халқнинг бир тақдири» номли мақоласида шундай деган эди: «Ўзбек билан туркманнинг тили ҳам, орзу-умидлари ҳам, бошдан кечирган кунлари ҳам бир бўлган. Уларнинг ер-сувлари бир-бирига туташ, деҳончиликаги «техника»лари ҳам бир-биридан фарқ қилмасди. Туркманларнинг фахри бўлган Махтумқулининг асарларини ўзбеклар завқ-шавқ билан ўқиганлар. Ўзбекларнинг буюк шоири Навоий асарлари туркманларнинг ҳар бир йиғинида ўқилган. қўшиклари тўйларда куйланган, ажойиб китоблари ҳар бир туркман хонадонидан жой олган».

Халқлар дўстлигининг куйчиси, талантли шоир, улкан адиб Беки Сейтоқов ўзбек ва туркман адабиётлари ўртасидаги ҳамкорликни юксалтириш ишига катта ҳисса қўшаётган санъаткордир.

Раҳматулла ИНОҒОМОВ.



Суратларда: (чапда) «Баҳор» қизлари рақсга тушишяпти. (Ўнгда) туркман йигитлари миллий ўйин ижро этишмоқда.
А. Абалян фотоларн.

МАРКС ЎЗ УЙИДА

Поль ЛАФАРГ

(Хотиралардан)

К. МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 149 ИЙЛЛИГИГА

Мен Карл Марксни биринчи бор 1865 йил февралида кўрганман. 1864 йил 28 сентябрда Лондонда Сент-Мартинс-Холлдаги мажлисда I Интернационалга асос солинган эди. 1865 йили февралда мен Париждан Лондонга келдим. Мақсадим ўша ерда ёш ташкилот эришган ютуқлар ҳақида Марксга ахборот бериш эди..

Мен ўша вақтда 24 ёшда эдим. Бу биринчи учрашувдан олган таассуротларимни умр бўйи ёддан чиқармайман. Маркс ўша вақтда бетоб бўлиб, «Капитал»нинг биринчи томи устида ишлаётган эди. Бу китоб икки йил кейингина, 1867 йилда босилиб чиқди. У, ўз ишимни охиригача етказа олмайман, деб хавфсирарди ва ёшларни мамнуният билан кутиб оларди. У «Мен ўзимдан кейин коммунистик пропагандани давом эттирадиган кишиларни тайёрлашим керак» деб айтарди.

Карл Маркс айни вақтда ҳам фанда, ҳам ижтимоий фаолиятда илғор позицияларда тура оладиган камдан-кам учрайдиган кишилардан бири эди. Ҳам у, ҳам бу хислат унда шунчалик қўшилиб кетган эдики, уни бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам социалистик курашчи деб ҳисобламай туриб тушуниш мумкин эмасди...

Лекин у Мейтленд — парк-роддаги ўз ишхонасида биринчи бор кўз олдимда чарчамас ва беқиёс социалистик агитатор сифатида эмас, балки олим сифатда гавдаланди. Маданий дунёнинг ҳамма тарафидан партиядаги ўртоқлар социалистик фикр устасининг турли масалалар бўйича фикрини билиш учун мазкур хонага оқиб келишарди...

Хона иккинчи қаватда жойлашган бўлиб, катта деразаси паркка қараган, ундан мўл-кўл нур тушиб турарди. Деворлар ёнида, каминнинг икки томонида ва дераза қаршисида китоб жавонлари турарди. Улар китоблар ва шингача тақалган газета ва қўлёзма ўрамларн билан лик тўла эди. Камин қаршисида ва деразанинг бир томонида иккита стол турарди, уларда қоғозлар, китоб ва газеталар уюлиб ётарди. Ёруғлик кўп тушадиган хона ўртасида жуда оддий, кичик иш столи (узунлиги уч фут, эни икки фут) ва ёғоч кресло турарди. Кресло билан китоб жавони ўртасида, дераза қаршисида чарм диван бўлиб, унда Маркс вақти-вақти билан ётиб дам оларди. Китоблар камин устида ҳам турарди. Сигаралар, гугуртлар, тамаки солинган қутичалар, пресс-папье, қизлари ва хотини, Вильгельм Вольф ва Фридрих Энгельснинг фотосуратлари шу ерга қўйилганди...

Маркс жуда кўп чекарди.

— «Капитал» лоақал унинг устида ишлаб, чеккан сигараларимга кетган пулни ҳам қоплай олмайди, — деди у бир куни менга.

Маркс ҳеч кимга ўз китоб ва қоғозларини тартибли ёки тўғрироғи, тартибсиз ҳолга келтиришга рухсат этмасди. Улар кўринишда тартибсиз турарди, аслида ҳамма нарса ўз тайин жойида турар ва у ўзига керак бўлган китоб ёки дафтарни ҳеч қидирмай бир зумда қўлга оларди. Хатто суҳбат вақтида ҳам келтирилган цитата ёки рақамни китобдан кўрсатиш учун тез-тез тўхтаб ўтарди...

Китобларни жойлаштиришда Маркс ташқи симметрияга риоя қилмасди, турли хил катталикдаги китоблар ва брошюралар бири-бирига ёпишиб турарди. У китобларни катта-кичиклигига қараб эмас, балки мазмунига қараб жойлаштирарди. Китоблар унинг учун зеб-зийнат моли эмас, балки маънавий қурол эди. «Улар — менинг қўлларим, — дерди у—улар ўзим истаганимдек менга хизмат қилишлари керак». У китоблар форматига, муқовасига, қоғозининг бежиримлиги ёки босмасига эътибор бермасди, у китоб бурчакларини қайириб, четларига қалам билан белгилаб, сатрлар остига чизиб қўярди. У китобга ҳеч нима ёзмасди, лекин муаллиф хато фикрларни билдирган бўлса, савол ёки ундов аломатларини ёзиб қўйишдан ўзини тиялолмасди. Остига чизиб қўйиш одати эса ўзига керакли жойни осонгина топиб олиш имконини берарди...

Маркс Гейне ва Гётени ёддан биларди, суҳбатда уларнинг сўзларини тез-тез ёддан келтириб ўтарди. У бутун Европа адабиётидан ўзи танлаб олган шоирларнинг асарларини доимо ўқиб борарди. Ҳар йили Эсхилни грек тилида қайта-қайта ўқирди. Эсхил ва Шекспирни инсоният яратган энг буюк драматик генийлар сифатида севарди. Айниқса ўзи яхши кўрган Шекспир ижодини у алоҳида ўрганган эди. Шекспирнинг энг аразмас персонажларини ҳам биларди. Маркс онласида буюк инглиз драматургига чинакамига сиғинишлик ҳукмрон эди. Марксннг уч қизи Шекспирни ёддан билишарди. Данте ва Бернс унинг энг севимли шоирлари эди. Унинг қизлари шотланд шоири Бёрнснинг сатирасини овоз чиқариб ўқишганида ёки романсларини куйлашганида у жуда ҳузур қиларди...

...Унинг дам олиши ҳонада у ёқдан-бу ёққа юришдан иборат эди. Эшикдан-то деразагача юраверганидан гиламда йўл изи қолган бўлиб, у қир ўртасидаги сўқмоқ йўл сингари ажралиб турарди.

Вақти-вақти билан Маркс диктовда ётиб олиб, романлар ўқирди. Баъзан бирданига бир неча китобни бошлаб қўйиб, уларни галма-галдан ўқиб чиқарди. Дарвин каби у ҳам роман ўқишни жуда ёқтирарди. Маркс асосан XVIII аср романларини ва айниқса Филдинг асарларини севиб ўқирди... У Сервантес ва Бальзакни ҳамма романистлардан устун қўярди... Маркс барча Европа тилларида ёзилган китобларни ўқирди, уч тилда — немис, француз ва инглиз тилларида — шундай ёзар эдики, бу тилларни билган кишиларни ҳайратга соларди. У «чет тили ҳаёт қурашидаги қуролдир» деган иборани такрорлашни яхши кўрарди.

Маркс улкан лингвистик талант эгаси эди. Бу талант унинг қизларига ҳам ўтган эди. Рус тилини ўрганишга киришганида Маркс 50 ёшда эди, лекин бу тилнинг қийинлигига қарамай, қандайдир ярим йил ичида рус тилини шундай эгаллаб олдики, рус шоирлари ва ёзувчиларини ҳузур қилиб ўқий оладиган бўлди. Рус шоир ва ёзувчиларининг айниқса Пушкин, Гоголь ва Шчедринни юқори баҳолардн...

Марксннг шахсий кутубхонаси (уни Маркс узоқ вақт, тадқиқот ишлари давомида, бутун умри мобайнида пухталик билан тўплаган бўлиб, мингдан ортиқ томдан иборат эди) унинг учун етарли эмасди ва у кўп йиллар давомида Британия музейига ҳафсала билан қатнаб турарди.

Ҳатто Марксннг душманлари ҳам унинг на фақат ўз соҳаси бўлган сиёсий иқтисод бўйича, балки, шунингдек барча мамлакатлар тарихи, фалсафаси ва адабиёт соҳасида ҳам кенг ва чуқур билимга эга эканлигини тан олишга мажбур адилар...

Марксннг миясн тарих ва табиият соҳасида, шунингдек фалсафа назарнялари бўйича мислсиз кўп фактлар билан қуролланган эди ва у узоқ ақлий меҳнат давомида тўплаган билими ва кузатишларининг ҳаммасидан моҳирона фойдалана биларди. Марксдан исталган вақтда, исталган нарса ҳақида сўраш мумкин эди ва у ҳамиша кўнгилдагидек қилиб батафсил жавоб берарди, бу жавоб доимо умумлашган характердаги фалсафий фикрлар билан тўлиб тошган бўларди. Унинг мияси соҳилда тайёр турган ҳарбий кемага ўхшарди: у ҳамиша тафаккурнинг исталган йўналиши томон сузишга ҳозир эди.

Русчадан И. СУЛТОНОВ таржимаси.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР



● Чехословакия меҳнаткашлари уй-жой қурилишида катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳар йили юз мингга яқин онла шинам квартираларда ҳовли тўйлари ўтказишмоқда. Суратда: шахтёрлар ва металлурглар шаҳри Остраванинг Ленин кўчаси. ЧТК—ТАСС фотоси.

ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ БУРИЛИШ ПАЙТИ

ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИНИ ЎТКАЗУВЧИ ЮГОСЛАВИЯ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТИ

□ □ □

БЕЛГРАД, 4 май. (ТАСС). Октябрь революциясининг 50 йиллиги байрамини ўтказувчи Югославия комитетининг бу ерда эълон қилинган мурожаатида Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният жамиятининг ривожланишида бурилиш пайти бўлди, социализм даврини очди, дейилади. Бу улуғ санани байрам қилишда, дейилади сўнгра мурожаатда, Октябрь революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини, шу революция натижасида социализмнинг биринчи мамлакати бўлган Совет Иттифоқи вужудга келтирилганлигини назарда тутиб иш қилиш керак.


Мурожаатда уқтириб айтиладики, ярим асрдан бери Октябрь идеялари жаҳондаги ижтимоий муносабатларга зўр таъсир ўтказиб келмоқда, Октябрь революцияси миллатлараро муносабатларда янги давр очди, миллий озодлик ҳаракатларига ва мустамлакачиликка қарши ҳаракатларга, халқларнинг озодлик, мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт учун курашига йўл очиб берди.

Ленининг тинчлик учун кураш тўғрисидаги, халқлар ва давлатлар ўртасидаги тенг ҳуқуқийлик тўғрисидаги, тинч-тотув яшаш тўғрисидаги идеялари, дейилади мурожаатда, ташқи сиёсат соҳасида янги принципларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Совет Иттифоқи яшаб келаётганлиги, жаҳондаги воқеаларга тобора кўп таъсир ўтказаётганлиги, фашизмни тор-мор келтиришда Совет Иттифоқи ўйнаган роль, дейилади мурожаатда, шундай шароит вужудга келтирдики, шу туфайли иккинчи Жаҳон уруши давомида ва уруш тамом бўлганидан сўнг халқларнинг озодлик кураши ва мустамлакачилик системасининг тугатилиши ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартириш ва социализмнинг галабаси учун олиб бораётган кураш билан боғланиб кетди.

Комитет Югославиядаги барча корхоналарга, муассасаларга, ижтимоий-сиёсий ташкилотларга мурожаат қилиб, уларни Октябрь революциясининг 50 йиллигини кенг кўламда ва муносиб нишонлашга чақирди.

★



● Сиз кўриб турган бу қор қўзиқорин Швейцариянинг баланд тоғ ўтлоғида «униб» чиқди. Қуёшнинг иссиқ тафти ва изиллама совуқ ҳаво ана шундай кўзиқорини «яратди». Кейстон—ТАСС фотоси.



● ДАНИЯ. Балиқчи Кристиан Йенсеннинг тўрига оғирлиги бир тонна келадиган беш метрлик акула илинди. У акулани катта бўлмаган қайиғи орқасидан денгизда икки соат судраб юрди. Йенсен ўртоқлари ёрдамга етиб келгачгина йиртқични қирғоққа олиб чиқишга муваффақ бўлди. Нордфото—ТАСС фотоси.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ФРОНТИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг ваҳий Америка агрессорлари Ханой ва Хайфонни яна бомбардимон қила бошлаганлигини кескин қоралади, деб хабар беради ВИА агентлиги озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб. Бундай бомбардимон қилишлар, дейилади Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг баёнотида, Вьетнам Демократик Республикаси суверенитетини қўпол суратда бузишдан иборатдир ва Жонсон ҳукуматининг «тинчлик учун куч-ғайрат сарфлаётганлиги» тўғрисидаги гаплари ёлғончиликдан иборат эканлигини фош қилади.

Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши барча ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни, Вьетнамдаги агрессив урушга чек қўйилишини, Америкаининг барча қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетилишини ва Вьетнам халқига ўз ишларини ўзи ҳал қилиш имконияти берилишини талаб қилади.

АМЕРИКА — ИНДОНЕЗИЯ ЯНГИ БИТИМИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернэйшнл агентлигининг мухбири АҚШ давлат департаменти вакилларининг баёнотига асосланиб, хабар беради: Қўшма Штатлар Индонезия билан ҳарбий ёрдам тўғрисидаги янги битимни имзолади. Дастлабки ҳарбий анжом ўтган ойда жўнатилган эди.

Битимда Америка ҳом ашёси ва запас қисмлари сотиб олмоқ учун Индонезияга ўн миллион доллар миқдорида қарз бериш кўзда тутилади.

ИНТЕРВЕНЦИЯЧИЛАРНИНГ ТАЛАФОТИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг марказий қисми қуролли кучлари ва партизанлари шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида душманнинг 20.793 солдатини жумладан 1965 америкалик солдатни сафдан чиқардилар.

Шу вақт ичида, деб хабар беради ВИА агентлиги озодлик агентлигининг маълумотига асосланиб, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 117 броневикни яичиб ташладилар, 35 та ҳарбий кемани сувга ғарқ қилдилар ва 11 кемани шикастлантирдилар, 97 самолётни уриб туширдилар ёки шикастлантирдилар.

НИГЕРИЯ ОЛИЙ ҲАРБИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЛАГОС, (ТАСС). Нигерия олий ҳарбий кенгаши мамлакатдаги ижроия ҳокимиятни федерал ижроия кенгашга топширишга қарор қилди. Информация федерал министрлиги ана шу ҳақда хабар берди.

Олий ҳарбий кенгаш ихтиёрида қуйидаги вазифалар қолди: Нигерия мудофааси ва хавфсизлиги, конституцион ва сиёсий масалалар, олий федерал суд судьяларини ва Лагос марказий суди судьяларини тайинлаш, элчиларни ва чет эллардаги бошқа вакилларни тайинлаш. Олий ҳарбий кенгаш савдо-сотиқ ва саноат соҳасида сиёсатнинг жиддий ўзгартирилиши учун ҳам жавобгардир.

НИКАРАГУАНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Никарагуанинг янги президенти Анастасио Сомоса ўзи бош бўлиб, ҳукумат тузди. Франс-Пресс агентлиги мухбирининг Манагуадан берган хабарида айтилишича, Лоренсо Геррера ташқи ишлар министри қилиб тайинланди.

42 яшар бу диктатор Марказий Америкадаги мана шу кичкина республикада 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери зулм ўтказиб келаётган Сомосалар оиласининг кенжа фарзанди. Уэстпойнтдаги Америка ҳарбий академиясини тамомлаб чиққан Анастасио Сомосани Вашингтонда «АҚШнинг энг яхши дўсти» деб ҳисоблайдилар.

Бу генерал шу йил 5 февралда президент бўлиб сайланган эди. Сайлов кампанияси вақтида у мамлакатда қонли террорни авж олдириб юборди. Сомосани президентлик лавозимига номзод қилиб кўрсатишга қарши ўтказилган бир неча норозилик намойишларини миллий армия ўққа тутди ва Сомосанинг асосий сиёсий мухолифларини қамоққа олди. Оппозиция бу сайловларни «Ғирромлик» билан ўтказилган сайловлар деди.

Сомоса 1 майда президентлик лавозимига ўтириб, мен илгариги сиёсатни давом эттираверраман, деди.

ГРЕЦИЯ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ТЕРРОРИ

БЕЛГРАД, 4 май. (ТАСС). Югославияда чиқадиган «Политика» газетаси ўзининг Афинадаги мухбири хабарига асосланиб қуйидагиларни ёзади: минглаб грек коммунистлари ва демократлари ҳарбий соқчилар ва полициячилар қўриқлаган ҳолда Эгей денгизидаги олис Ярос оролига жўнатилмоқда. Газетанинг ёзишича, бу оролда яшаш ана шу кишиларнинг кўпчилиги учун, айниқса саломатлиги унча яхши бўлмаган кишилар учун жуда хатарлидир.

Белградда чиқадиган «Борьба» газетаси ёзадики, Ярос оролини «сургун қилинганлар ороли» деб бекорга атамайдилар. Оролда бирлашган демократик сўл партия раҳбарларидан бири Илиас Илиу, Ламбракис номидаги ёшлар ташкилотининг раҳбарлари бор. Греция жандармерияси вакилларининг таъкидлашича, оролга сургун қилинган кишилар «жуда яхши шароитда яшаётган эмиш», аммо ана шу «жуда яхши шароитлар»ни кўриш учун ҳали ҳеч кимга рухсат берилгани йўқ, деб ёзади «Борба» газетаси.

ГАНДБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ереван шаҳрида қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Олти команда биринчи давра ўйинларини ўтказдилар. Республикамиз спорт шарафини Тошкентнинг «Буревестник» кўнгилли студентлар жамиятининг терма командаси ҳимоя қилди. Улар Ереван, Таллин, Фрунзе, Олмаота, Тирасполь командалари билан беллашиб ҳамма ўйинда ғолиб келдилар ва фахрли биринчи ўринга чиқдилар.

СЎНГГИ ТУР ОЛДИДАН

Пойтахтимизнинг марказий шахмат-шашка клубида шашкачиларнинг навбатдаги республика чемпионати мусобақалари ўтказилаяпти.

Биринчилик охирлаб қолди. 12 очко тўпланган В. Раппопорт олдинда боряпти.

МАЙ ОИИ — СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ОИИ

Май ойида кўпгина мусобақалар гувоҳи бўламиз. Ўзбекистон XIV спартакиадаси қатнашчилари ўз эстафетасини классик курашчиларга, енгил атлетикачиларга, оғир атлетикачилар ва шахматчиларга, эшкак эшувчиларга ҳамда сузувчиларга топширишади. «Пахтакор», «Меҳнат» стадионлари, Тошкент денгизи ва бошқа спорт базалари спартакиада қатнашчилари ихтиёрига берилади.

Булардан ташқари кўнгилли спорт жамиятларининг биринчиликлари, область, шаҳар миқёсида ўтилаб спорт турлари бўйича биринчиликлар, ўртоқлик учрашувлари бўлади.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 МАЙДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси,** 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.15 — К. Маркс туғилган кунининг 149 йиллиги олдидан. **Улуғ ҳаёт саҳифалари** (телефильм), 18.40 — **«Искра» шу ерда нашр этилган** (ҳужжатли фильм), 19.00 — **Ота-оналар университети,** 19.40 — **Эстрада концерти,** 20.20 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.25 — **Телевизион янгиликлар,** 20.40 — **Бир гектарнинг баҳоси** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 20.55 — **Ўзбек матбуоти тарихидан** («Октябрь» программаси), 21.25 — **Аср бошида** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси,** 18.00 — **Бизнинг яқин дўстимиз** (болалар учун), 18.25 — **Чизма геометрия** (сиртдан ўқиётган студентлар учун рус тилида ўқув программаси), 19.10 — **Юбилей вахтасида,** 19.30 — **Инсон қиммати** (рус тилида телефильм).

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 6/V да **Спартак.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/V да **Ой ва бутар,** 6/V да **Улимдан муҳим.**

КИНО

Ғазаб — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Гуноҳкорлар мактаби — «МИР», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Саёҳат — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) — «УЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Спартак (кундуз ва кечқурун) — САНЪАТ САРОЙИ.

Наташа Ростова — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Виждон амри билан — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ярим ва 10 да)

Туннель — «ШАРҚ», «УДАРНИК».

Уларни афтидан таниндилар — «МЕҲНАТ», ПУШКИН номли.

Етти оғайни фарзандлари — «ПОБЕДА».

Кавказ асираси — 1 МАЙ номли.

Кимсиз, доктор Зорге? (1 ва 2-серия) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Уруш ва тинчлик (1 ва 2-серия) — «ХИВА».

Йўлбарс кўрфази — КАФАНОВ номли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

5-6 майда

Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигига **Алишер Навоий достони асосида**

ФАРҲОД ВА ШИРИН

3 пардали мусиқали драма

Саҳналаштирувчи — **Комил Яшин.**

Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик **Ю. Ражабий** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель.**

Балетмейстерлар — СССР халқ артисти, давлат мукофоти лауреати **Г. Измайлова** ва **О. Назруллаев.**

Хормейстер — **Б. Умиджонов.**

Концертмейстерлар — **М. А. Фурман** ва **А. Б. Малина.**

Режиссёр ассистенти — **Р. Муҳитдинова.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИГА

бухгалтерлар, омбор ишчилари, омборчилар, слесарь-сантехник бадиий ва ҳужжатли фильмлар бўйича методист, фильмларни текшириш ҳунарига ўргатиш учун шогирдлар (хотин-қизлар)

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Заводская кўча 35-уйга мурожаат қилинсин.

Спорт

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги «А» класси иккинчи лигаси учинчи группасида қатнашаётган командалар бештадан учрашув ўтказишди. Тўрт ўйинда тўрт галаба қозонган Фрунзенинг «Олға» командаси бешинчи турда мағлубиятга учради. Улар Фарғонанинг «Нефтяник» командасига ўз майдонида 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Қарағандининг «Шахтёр» ва Тошкент областининг «Политотдел» командалари ғалаба қозониб турнир жадвалида ўрин алмашдилар.

«Политотдел» уч ғалаба қозониб ва икки ўйинни дуранг қилиб иккинчи ўринда боряпти. Колхоз футболчилари ўйинидан ишқибозлар мамнун. Ҳужумда С. Стадниченинг пайдо бўлиши, И. Малиновский, В. Михайлов ҳамда Д. Анлар бир-бирини қўллаб-қувватлаб ва тушуниб ўйнаши командага катта фойда келтиряпти. Команда ҳимоячилари ўйини ҳам мақтовга лойиқ. Беш ўйинда атиги иккита тўп ўтказиб юборишнинг ўзи ҳимоячиларнинг ҳушёрлик билан ўйнаётганлигини кўрсатиб турибди.

Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг «Нефтяник» командаси ҳам аҳволини анча ўнглаб олди. Бу коллектив ҳозирда олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Аввалги биринчиликларда ҳамиша сўнгги ўринларда қолиб келган коллектив учун бу юқори парвоз ҳисобланади.

Беш турдан кейин командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О.
«Шахтёр» К.	5	6—1	9
«Политотдел»	5	10—2	8
«Олға» Ф.	5	11—4	8
«Строитель» А.	5	7—4	6
«Энергетик» Д.	5	6—5	6
«Нефтяник» Ф.	5	8—4	5
«Иртиш» О.	4	2—1	5
«Луч» В.	5	3—3	5
«Восток» У—К	5	2—2	5
«Уралмаш» С.	4	4—2	4
СКА Х.	5	3—7	4
«Строитель» У.	3	4—4	3
«Помир» Л.	4	3—5	2
«Темп» Б.	4	2—4	2
«Звезда» П.	4	0—3	2
«Кузбасс» К.	4	4—8	2
«Торпедо» Т.	4	1—12	2
«Локомотив» Ч.	2	0—1	1
СКА Н.	4	1—6	1

ПРОКУРОР МУЛОҲАЗАСИ

ҚЎЛ СИЛТАШ ОҚИБАТИ...

Ўтган йил ноябрь ойи кунларидан бири эди. Герман Лопатин кўчасида яшовчи Дмитрий Александрович Рудко исмли киши эрта билан шахсий енгил машинаси ўриндигида ётган кимнингдир бир дона қўлқопига кўзи тушади.

— Бу қўлқоп кимники бўлиши мумкин, — ўзига-ўзи шундай савол бериб турган Дмитрий Александрович приёмникнинг ўрни бўшаб қолганлигини кўрди-ю, кимдир приёмникни ўғирлаб кетганлигига шубҳаси қолмади.

— Қизиқ, қайси номард шундай пасткашликка бориши мумкин? Йўқ, бу иш эндигина ўрганиб келаётган бирорта тирранчанинг иши бўлса керак. Ке, олсаолибди-да. Шунга ҳам ташвишми, арзимаган нарса, — у шундай деди-да, бепарвогина қўл силтаб қўя қолди.

Приёмник-ку, ўғирланган аниқ. Шундай экан Дмитрий Александрович қандай йўл тутиши керак эди? У қўл силтаб тўғри иш қилдими?

Ҳар галгидек приёмник қандай ўғирланган, ким ўғирлаган, уни қандай қилиб топиб бериш устида эмас, бу ғал биз, ана шундай жиноятга қарши курашаётган маъмурий органлар, қолаверса жамоатчилик йўлига ўз бепарволиги билан ҳалақит бериб келаётган Дмитрий ва Дмитрийга ўхшаш баъзи кишиларнинг ҳаракати ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Хўш, дарвоқе бундай қўпол ҳазиллар билан қандай кишилар шуғулланиши мумкин? Суяги эгриқўлликда қотган текинхўр шахсларми, ёки... Турган гап, бундай майда бачкана ишлар билан эндигина «тухумни ёриб чиққан», лекин, тарбиядан одоб ва аҳлоқдан, катталар назоратидан йироқ бўлган «жўжахўрозлар»гина шуғулланиши мумкин. Афсуски, Дмитрий Александрович ана шуни сезган бўлса ҳам, бу ҳақда милицияга хабар бериб, кейинги содир бўладиган катта жиноятларни олдини олиш кераклиги тўғрисида хаёлига ҳам келтирмаган. Ҳаттоки у ўзининг бу саҳийлиги эндигина ўғирлик кўчасига кириб қолган бу ёш навдани келажак тақдири учун фойдаликми, ёки йўқми, кўз олдига ҳам келтирмаган. У, фақат ўзинигина ўйлаб, «ана шу арзимаган нарса учун ҳам милицияга бориб, ўзимни-ўзим овора қилиб юраманми?» деган-у, қўл силтаб кетаверган. Кўрдингизми, у ўзининг кўпи билан ярим соатлик вақтини аяган. Ана шу «тежалган» ярим соат эса бир ёшнинг бутунлай эгри йўлга кириб қолишига, унинг келажаги хунук оқибатлар билан тугашига сабаб бўлган. Минг афсуски, Дмитрий Александрович ёки худди шундай йўл тутган Қаюмов каби кишилар қўл силтаб қўя қолмай вақтида хабар берганларида эди, у ҳозиргидек бир неча кишиларнинг шахсий мулкига қўл тегизишга улгуролмаган, кишилар асабини бузолмаган бўлур эди. Ўрни келгани учун худди шу кишиларга шундай савол бермоқчимиз.

Қизиқ, нима учун улар баъзи шахслар томонидан ўринсиз ҳақоратланиб, иззат-нафсига тегилганда ёки дурустроқ қимматбаҳо мулкларини ўғирлатганларида, милицияга келиб хабар беришадию, лекин бундай вақтларда «икир-чикирлар» учун овора бўлгилари келмай, индамай кетаверадилар. Йўқ, улар хабар беришгина қолмай, ҳатто «тўкилган» обрўларини тиклаб, ўғирланган буюмларини топдириб беришни, эгриқўлларга нисбатан эса тегишли жазо беришни милициядан талаб қилишадилар. Бу талаблар-ку аслида тўғри. Лекин нима учун майдами, йирикми, арзирли ёки арзимасми ҳаммасига ҳам худди шундай фикр билан, худди шундай баҳо билан қарамайди? Ахир ҳар қандай катта жиноят ҳам кичкинадан бошланадику. Шундай экан, нима учун бу кишилар баъзида учраб қоладиган бундай эгриқўл ёшлар тақдиридан, унинг келажагидан, ўзларининг иззат-нафсларини, кўйингчи ҳатто озгина вақтларини юқори баҳолашади. Бунинг олдини олмаслик, милицияга ўз вақтида хабар етказмаслик катта жиноятларга кенг йўл очиб бериш эмасми? Ярани қанчалик тез олди олинса, шунча тезроқ тузалади. Акс ҳолда у мадалаб оғриғи кучаяди. Охири операция столига етаклайди.

Эндигина йигирма баҳорни кўрган Александрнинг бошланғич «касал»и ҳам худди шундай натижа билан якунланди. У бир эмас, бир неча кишиларга қарашли енгил машиналарнинг зарур қисмларини уздуксиз ўғирлаб, меҳнатсиз маззахўракка ўрганиб қолган. Лекин ундан жабрланган бирор киши бу ҳақда хабар беришни ўзига эп кўрмаган. Фақат милициянинг ёрдами билан у халқ суди залига олиб келинди.

Ана шундай, фақат Дмитрий Александровичгина эмас, ҳудди шу кўчада яшовчи Жигалин, Қаюмов, Самарқанд кўчасида яшовчи Чиженко, Терзян каби кишилар ҳақида ҳам ана шу фикрларни айтиш мумкин. Улар ҳам ўз шахсий машиналаридаги баъзи керакли деталлар қандайдир ёш эгриқўллар томонидан ўғирланганини сезишган бўлса ҳам, бепарвогина қўл силтаб кетаверишган. Қизиғи шундаки, Александр Естифеевнинг тарбиясига ўз ҳаракатлари билан озми-кўпми салбий таъсир кўрсатган, ана шу кишилар, у қўлга олингандан кейингина милициядан ёрдам сўраб келишган.

Тўғри, бундай эгриқўллар бизнинг қонунимиздан четлаб узоққа боришолмайди, лекин юқоридаги шахслар милиция жиноятни очмагунча оғизларига талқон солиб, томошабин бўлиб қолганликлари кенг жамоатчиликни қаттиқ ташвишлантиради. Чунки бизда жамоатчилик ҳар қандай жиноятга ёки тартиб бузарларга қарши курашда маъмурий органларимизнинг катта таянчи бўлиб қолиши керак. Шундагина биз ҳар қандай майда ёки йирик жиноятнинг олдини олишимиз, орамиздаги баъзида учраб қоладиган курмакларни токи тишга зарари тегмасдан туриб, вақтида тозалаб олган бўламиз.

У. ШОРАҲИМОВ,
Фрунзе район прокурори.

ЗАВОД ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Трактор-йиғув заводи янги маҳсулот бера бошлади. «ПХН-1,2» маркали тўкилган пахтани терувчи машинага «ПХН-40000» редуктори, «ПХМ-1,2» машинасига эса «ПХМ-40000» редуктори ишлаб чиқара бошланди. Бу редукторлар конструкциясини пахтачилик бўйича давлат конструкторлик бюроси ходимлари тайёрлашди. Заказчилар янги маҳсулотдан хурсанд бўлишмоқда.

ЭКСПОРТ ЦЕХИ

Янги ишга туширилган экспорт-экспериментал цехи ўз маҳсулотини 24 мамлакатга жўнатмоқда. Яқин кунларда Болгария, Греция, Мексика каби давлатларга 30 та трактор жўнатилади.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
С. ТЎЛАЕВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212, Редактор ўринбосарлари—В35885, В36232, Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936 Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—В33786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—В34048. Эълонлар бўлими—В38142. Коммутатор—В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01782. Индекс 64970 А. — 1852.